


О'zbekiston Qishloq xo'jaligi

ISSN 2181-502X

№ 2. 2016

*Юртимизда қишининг палласи —
Боғ-роғларда бугун сокинлик.
Бозорларда ёзниң нафаси —
Расталарда тўкин-сочинлик.*



1 м² майдонга 6–7 литр мөтөрда сугорилади. Күчатлар 2–3 барг чиқарганда орасини 5х6 см қилиб күчириб ўтқазилади. Күчириб ўтқазилган күчатларга 10–12 кундан сўнг биринчи озиқа: 10 литр сувга 5 г аммоний сульфат ёки карбамид, 40 г суперфосфат ёки аммофос ва 10 г калий ўғитлари эритилиб барг устидан берилади. 6–7 кун ўтказиб иккинчи маротаба юқоридаги миқдорни 2 марта кўпайтириб озиқлантирилади. Учинчи озиқлантириш кўчатни далага экишдан 4–5 кун олдин амалга оширилади.

Кўчатлар экиш учун тайёр бўлгач далага олиб чиқишдан 6–8 кун олдин плёнкаларни очиб, кўчатларни ташки муҳит шароитига мослаштириб чиниқтириш муҳим аҳамиятга эга.

Кўчатларга иссиқхонанинг ўзида занг, ўргимчаккана ва шираларга қарши ишлов бериш мақсадга мувофиқдир. Бунда кўчатларни асосий далаға экишдан 1–2 кун олдин 10 литр

сувга 2,5 фоизли «Децис» препаратидан 0,2 мл ёки БИ-58 (янги) препаратидан 2 мл миқдорда аралаштириб, 20 м² майдондаги кўчат устига сепилади. Кўчатлар бўйи 15–18 см. га етиб, 5–6 та барг чиқарганда очиқ далага экиш учун тайёр бўллади.

Эртаги картошка асосан февраль-март ойларида кузда тайёрлаб қўйилган майдонларга экилади. Ер тайёрланган бўлмаса, етилиши билан ҳайдаб, текислаб ҳар гектарига 25–30 тонна маҳаллий ўғит ҳамда фосфорли ва калийли ўғитларнинг 20–25 фоизи солиниб, чизель қилинади ва КРН-2,8А русумли культиватор ёрдамида 70 ёки 90 см оралиқда сугориш эгатлари олиниб, экишга тайёрлаб қўйилади.

Эрта баҳорда картошка экишнинг энг мақбул муддати: Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Бухоро, Навоий ва Фарғона водийси вилоятларида 25 февраль–10 март; Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида 15 февраль–1 март; Қорақалпоғистон

Республикаси ва Хоразм вилоятида 10–20 март ҳисобланади.

Бунда картошканинг эртаги «Агаве», «Гранола», «Зарафшон», «Ред Скарлет», ўрта эртапишар «Альвара», «Аринда», «Белуга», «Виктория», «Кондор», «Марфона», «Пикассо» ва бошқа навлари тавсия этилади. Уруғлик картошканни ундириб, нишлари 2–3 см бўлганда экиш ҳосилнинг эрта этилишини таъминлайди.

Эртаги сабзавотларни мақбул муддатларда экиб, барча парваришлар тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш улардан мўл ва сифатли ҳосил олиш баробарида, ушбу майдонларда такорий экинлар этишириб халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш имконини беради.

Р. ҲАКИМОВ,
қ/х ф.н.,

Ф. РАСУЛОВ,
к.и.х., (СПЭ ва КИТИ).

Мутахассис тақлифи

ТИРМА МОСЛАМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТЎЛИҚ КЎЧАТ ОЛИШ ГАРОВИДИР

Қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишининг энг муҳим омилларидан бири — агротехника талаблари асосида тайёрланган майдонларга уруғни белгиланган муддатларда, сифатли экишдан иборат.

Маълумки, эрта баҳорда майдонларни сифатли тайёрлаш ишлари тишли (БЗТУ-1,0 ва БЗСС-1,0) ва дискли (БДТ-3 ва БДН-3) тирмалар ёрдамида бажарилади. Шунда тупроқдаги намлик буғланиб кетмаслиги учун унинг юза қисмида 4–20 см чуқурликда бир текис юмшатилган қатлам ҳосил қилинади. Тирмалаш жараённида нотекисликлар ва бегона ўтлар йўқотилади.

Мазкур агротехник тадбирларни бажаришда БЗТУ-1,0 ва БЗСС-1,0 тишли тирмалар билан жиҳозланган агрегатлардан фойдаланган ҳолда тупроқнинг юза қисми 5–10 см чуқурликда юмшатилади. Бу ишлар ер ҳайдалиб, текисланган ва қатқалоқлар йўқотилган майдонларда амалга оширилади.

Хар бир тирма бир хил шаклдаги тишлардан иборат бўлиб, уларнинг тишлари тўғри ўтқирланган, бирдай узунликда (15 см) ҳамда ўтқирланган учи билан олдинга (ҳаракат ўйналиши бўйича) қараб, ўрнатилган бўлишига алоҳида эътибор бериш керак.

Тишли тирмалардан унумли фойдаланишининг яна бир муҳим томонла-

ридан бири, бу — улар ёрдамида далаларни экин қолдиқлари (ѓўза, маккажӯхори, кунгабоқар поялари) ва кўп йиллик бегона ўтлар (ажирик, гумай, қамиш ва бошқа) илдизларидан тозалашда қўлланишидир.

Бунда далаларни экин ва ўсимликлар қолдиқлари билан ифлосланганлик дарражасига қараб, даланинг узунлиги бўйича ҳар 30–50 м жойда тирма тишларига илинган қолдиқлардан тозалаш зарур.

Дискли тирмалар ичida энг кўп ишлатиладигани БДТ-3 русумли тиркама ва БДН-3 русумли осма тирмалар ҳисобланиб, улар ёрдамида тупроқнинг юза қисми 20 см гача чуқурликда сифатли қилиб ишлов бериш мумкин.

Бундай тирмалар билан шўр ювилиши оқибатида тупроғи зичлашган майдонларга ишлов беришда фойдаланиш жуда яхши самара беради. Чунки дала-нинг шўрини ювиш натижасида тупроқ юзасида ҳосил бўлган, қайта шўрланган қатламини дискли тирмалар билан ағдариб ишлов берилиши натижасида уруғ экиладиган чуқурликда шўри кам бўлган

қатлам ҳосил бўллади. Бундай майдонларга экилган уруғлардан тўлиқ кўчатлар олинишига қуай шароит яратилади.

Баҳор серёғин келиб, бир йиллик бегона ўтлар баланд (20–30 см) ўсган майдонларга дискли тирмалар билан ишлов бериш мақсадга мувофиқ. Шунда бегона ўтларнинг поялари майдаланиб, тупроқ остига кўмилади ва улардан седират ўғит сифатида фойдаланилади.

Кўп йиллик бегона ўтлар босган майдонларга дискли тирмалар билан ишлов бериш умуман мумкин эмас. Чунки дисклар бегона ўтлар илдинин майдалashi уларни янада кўпайнишига олиб келади. Шунинг учун кўп йиллик бегона ўт босган майдонларни дискли тирмалар билан ишлов беришдан сакланинг.

Булардан кўриналини, тирмаларниң қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини этиширишда муносиб ўрни бор. Шундай экан, фермер хўжаликлири ерга ишлов беришда тирма мосламаларидан вақтида ва унумли фойдаланишга эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир.

С. АЛИҚУЛОВ,
Тошкент давлат аграр университети доценти, т.ф.н.

O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGI

«Сельское хозяйство
Узбекистана»
Аграр-иктисодий,
илмий-оммабоп журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррор:
**Тоҳир
ДОЛИЕВ**

Таҳрир ҳайъати:

Шуҳрат ТЕШАЕВ
Акрам АРИПОВ
Яшин ХИДИРОВ
Шавкат ҲАМРАЕВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Собиржон ЭРГАШЕВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Содиқжон ТУРДИЕВ
Сайдкул АРАБОВ
Фарҳод ОМОНОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Муса АНОРБОЕВ
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ
Шермат НУРМАТОВ
Ўқтам УМУРЗОҚОВ
Норқул ХУШМАТОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

**2016 йил,
№2. Февраль**

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун – 894
ташиклотлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Ютукларимиз салмоқли, режаларимиз улкан	1
Т.ДОЛИЕВ. Устувор вазифалар белгилаб олинди	3
А.АРИПОВ. Аграр соҳа ривожининг янги боскичи	4
Хут эшик қўномоқда	5
А.АРИПОВ, Р.СИДДИҚОВ, Қ.БОБОБЕКОВ. Башоқли дон экинларининг февраль ойидаги парвариши ва химояси	7
Р.АБДУЛЛАЕВ, Ҳ.АБДУЛЛАЕВА. Боғлардаги қишик агротехник тадбирлар	9
Р.ҲАКИМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Эртаги сабзавот ва кўкатларни қачон эккан маъқул? 11	11
С. АЛИҚУЛОВ. Тирма мосламаларини кўллаш тўлиқ кўчат олиш гаровидир	12
Н.БОБОҚУЛОВ, С.МАВЛАНОВ. Тўл мавсуми масъулияти	13
Ш.ДЖАББАРОВ, Б.ЭЛМУРОДОВ. Чорва ҳайвонлари касалликлари оддини олиш ва даволаш	14
М.ТОШБОЛТАЕВ. Пахтани машинада териш самараси	16
В.МУХИДТИНОВ, Р.МАДРИМОВ, М.БОТИРОВ. Агрокимёгарлар - ер шифокори	17
Т.ФАРМАНОВ. Сугорилмайдиган ерлар самарадорлигини ошириш	18
А.ДЖУМАНОВ, О.СОАТОВ. Агрологистика истиқболлари	19
Эътироф ва эътибор масъулияти	20
Ш.СОДИҚОВА. От ўрнини той босди	20
Ҳ.КАРИМОВ. Истиқболли навларга кенг йўл	21
К.ЭРГАШЕВ. Уруғлик сараси — ҳосил баракаси	22
Й.МУҲАММАДИЕВ. Абдурайим раиснинг шашти баланд	23
Б.ТОШНАЗАРОВ. Мавсумга пухта ҳозирлик	24
С.ЖАББАРОВА. Янги мэрраларни кўзлаб	24
Ф.АБДУЛЛАЕВ. Баракали одимлар	25
Ш.ЖАББАРОВА. Улуғлар бошлаган йўллар ибраттир	27
К.ХАЙТОВ. «Қўктой» балиги	28
М.ФАЙЗУЛЛАЕВ. Давр такозоси	29
Ш.МИРЗАЕВ. Камалак саховати	30
Ф.МИРЗАЕВ. Ер кадри	31
Ш.НАМАЗОВ. Фўзанинг «Жарқўргон» нави	31
А.НАРИМАНОВ, Ф.МАМАСОЛИЕВ. Галлачиликда уруғчиликнинг самарадорлиги	32
О.АМАНОВ, О.АМИРҚУЛОВ, М.ҚУРБОННАЗАРОВ, М.ВАФОЕВА. Галланни барг орқали озиқлантиришнинг самараси	33
Т.МАМАТҚУЛОВ, З.УСАРОВ, А.ХОЛДОРОВ, У.АБДУСАМАТОВ. Арпанинг истиқболли «Ихтиёр» нави	34
А.БҮРІЕВ, Р.ОРИПОВ. Тупроқ унумдорлиги ва кузги буғдои ҳосилдорлигига ўтмишдош экинларининг таъсири	35
А.АБДУСАТТАРОВ. Микроорганизмларнинг кимётерапевтик препаратларга чидамлилик механизмлари	36
А.АЛТМИШЕВ, К.ИШОНҚУЛОВА. Мелиорация — мўл ҳосил омили	37
Ф.ЮСУПОВА. Правовые и экономические аспекты устойчивого развития ассоциаций водопотребителей	38
М.ҲАМИДОВ, У.ЖЎРАЕВ, К.ҲАМРАЕВ. Фитомелиорант ўсимликларининг тупроқ шўр ювиш меъёлларига таъсири	39
М.БОЛТАЕВ, Ш.АСАДОВ. Брокколи – саломатлик учун кони фойда	40
Ж.ПИРИМҚУЛОВ, Н.ХИЗИРАЛИЕВ. Қишлоқ хўжалигини модернизация килиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш	41
Ч.РИЗАЕВ, З.ЖЎРАБЕКОВА. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсати	42
Б.САЛИМОВ, С.САИДКАРИМОВА. Иқтисодиётни модернизациялаш техник ва технологик қайта жиҳозлашда инвестицияларнинг аҳамияти	43
М.МАМАТОВ. Қишлоқ инфратузилма корхоналарини инновацион ривожланиш масалалари	44
Ҳ.АМИНОВ. Ўз касбининг фидойиси	45
Мутафакирларнинг мутафаккири	46
С.САЙИД. Навоийнинг боғлари. Ҳазрат Навоий	47
Хут — ют	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 2007 йил 11 январда 0158-рақам билан рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 00004, Тошкент
Шайхонтохур тумани,
А. Навоий кўчаси, 4-йй.
Тел/факс: 241—50—21,
241—30—92, 241—61—07.

www.qxjurnal.asia
E-mail: qxjurnal@qsxv.uz,
uzqx_jurnal@mail.ru

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2016 йил 27 январь. Босишига рұхсат этилди:
2016 йил 28 январь. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табори 4,2. Нашр ҳисоб табори 5,0. Буюртма № 054. Нусхаси 5000 дона.

«PRINT LINE GROUP» XК
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-йй.

Навбатчи муҳаррор: М.ТОИРОВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА